



## Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида экин ерлари ва торморқадан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат етиштиришни ва аҳоли даромадларини кўпайтириш, галла етиштириш ва харид қилишни молиялаштириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

20-21 июль кунлари Иссыккўл вилоятининг Чўпонота шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.



Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасида «Ўзбекистон» уюшмаси масъуллари ва Корея Республикасининг Жинжу шаҳри мери Жо Кёо Ил бошчилигидаги делегацияси билан учрашув ўтказилди.



Қозғоғистоннинг Алматы шаҳрида МДХ мамлакатлари давлат архив идоралари раҳбарлари Маслаҳат кенгашининг 18-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Узархив» агентлиги делегацияси ҳам иштирок этди.

Кинематография агентлигида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Ҳиндистон ахборот ва коммуникация технологиялари вазирлиги вакиллари билан видеомулоқот бўлиб ўтди.



Хитой давлатида масофавий тарзда ўтказилган 54-Халқаро кимё олимпиадаси ўз нихоясига етди. Дунёнинг 80 та давлатидан 320 нафар ўқувчи иштирок этган мазкур нуфузли олимпиадада ўзбекистонлик ўқувчилар 4 та қумуш медални қўлга киритди.



Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон 10 та хорижий давлатдан қиймати 34,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 1 минг 125 та электромобиль импорт қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

# Юзларда балқийди бахтиёрлик туйғуси



Жиззах вилояти

Аввал хабар берилганидек, қорқалпоғистонлик 135 нафар ўқувчи Шароф Рашидов туманидаги «Energy» болалар соғломлаштириш оромгоҳига жойлаштирилган эди.



Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎЗА) олган суратлар

Кунни кеча Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан «Биз бир элмиз, бир халқмиз, Янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз!» шиори остида тадбир доирасида яна 150 нафар Оролбўйидан келган ўғил-қиз Зомин туманидаги «Зомин» болалар оромгоҳига жойлаштирилди. Ушбу масканда болажонлар ёзги таътилни мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар муҳайё этилган бўлиб, бу уларнинг шўх-шодон кулгилари, бахтиёрлик туйғуси балқиб турган юзларидан акс этиб турибди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,  
«ISHONCH»

## Ўзбекистон қурилган ГЭСлар сони бўйича МДХ давлатлари орасида етакчи

«Ўзбекгидроэнерго» ахборот хизматининг хабар беришича, МДХ мамлакатлари ичида ўтган 5 йил давомида гидроэнергетика соҳасида янги ГЭСларни фойдаланишга топшириш бўйича Ўзбекистон етакчи ўринни эгалламоқда.

Ўтган даврда Россия Федерациясида жами 6 та, Тожикистон Республикасида 1 та, Қозғоғистон Республикасида 3 та, Озарбойжон Республикасида 5 та, Беларусь Республикасида 2 та янги ГЭС ишга туширилган. Қирғизистонда янги ГЭСлар ишга туширилмаган. Ўзбекистонда ўтган 5 йиллик давр мобайнида 11 та янги ГЭС қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, Беларусь Республикасида 2 та янги ГЭС модернизация қилиниб, янги қувватларда ишга туширилган.



Факт

## Ижтимоий шериклик



## Махсус кийим кимнинг ҳисобидан?

Меҳнат қонунчилиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касабалар уюшмаси Республика кенгаши ўртасида тузилган тармоқ келишувига кўра, тиббиёт ходимлари махсус иш кийимлари билан бепул таъминланиши керак.

Бирок ҳамма иш берувчилар ҳам ушбу меъёрларга риоя қилавермайди. Молия идоралари бу мақсад учун тегишли маблағ ажратмагани сабабли аксарият ҳолларда деярли барча тиббиёт ходимлари иш кийимларини ўз ҳисобидан харид қилишади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабалар уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши томонидан ушбу ҳолатга барҳам бериш, касабалар уюшма аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида вилоятдаги барча тиббиёт муассасаларида ўрганишлар амалга оширилиб, мутасаддиларга зарур тавсиялар берилмоқда.

Хоразм вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази раҳбарияти вилоят кенгашининг тавсияси ижросини таъминлашга биринчилардан бўлиб киришди, дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабалар уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси Рашид Йўлдошев. – Муассасада ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра, берилган ёзма кўрсатмага асосан марказда ишловчи 19 нафар шифокор ва 74 нафар

ҳамширага тиббий халат, 33 нафар кичик тиббий ходим ва 3 ошхона ишчисига махсус иш кийими берилди. Марказда ходимлар учун қўлай шароитлар яратилган. Айниқса, ходимлар тиббий кўриқдан ўтишда чиқимдор бўлмаётганидан хурсанд. Касабалар аъзолари ишдан бўш вақтида спорт билан шуғулланиш, ўз маҳоратларини ошириб бориш имкониятига эга. Маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш анъанага айланган. Ходимларга концерт дастурларига, музейларга чиқаталар олиб берилмоқда. Тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилмоқда.

Касабалар уюшмалари билан ҳамкорликда ходимлар ижтимоий-иқтисодий муҳофазатини кучайтиришга муваффақ бўлди, дейди марказ раҳбари Акмал Искандаров. – Барча тадбирларимизни, реаларимизни касабалар уюшма билан бамаслаҳат амалга оширяймиз. Натижада тиббиёт ходимлари меҳнатдан рози бўлимоқда, марказимизда муолажа олаётган беморлар эса шифокорлардан мамнун. **Муҳаббат Тўрабоева,** «ISHONCH»

## Фарғона вилояти



# Адолат қарор топди

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига шу йилнинг 6 ойи мобайнида меҳнат ҳуқуқлари бузилишига оид кўплаб мурожаатлар келиб тушди.

Хусусан, вилоят халқ таълими бошқармасининг 2022 йил 21 февралдаги буйруғи билан Марғилон шаҳридаги 21-сонли мактаб директори лавозимида ишлаётган Асрор Қазимов билан тузилган меҳнат шартномаси мuddати тугаши муносабати билан Меҳнат кодексининг 105-моддасига асосан бекор қилинган.

Ўрганишлар давомида иш берувчи мазкур буйруқни амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига зид равишда чиқаргани маълум бўлди. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вило-



яти апелляция судлов ҳайъатининг 2022 йил 24 майдаги қарори билан А.Қазимов ишга тикланиб, унга мажбурий бекор

юрған кунлари учун 27 миллион 137 минг сўм ҳамда 5 миллион 500 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

«Қварц» АЖнинг 2021 йил 28 декабрдаги 1912-сонли буйруғи билан Дилшодбек Имаров билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра ходимнинг ўз меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузгани сабабли бекор қилинган.

Иш берувчига мазкур буйруқ амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига зид қабул қилингани билан Н.Шокирова ўз лавозимига ишга тикланиб, мажбурий прогул кунлари учун 30 миллион сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш касабалар уюшмаларининг биринчи галдаги вазифасидир. Бу вазифа эса тўлиқ удаланмоқда.

«Асакабанк» АЖ Фарғона вилояти филиалининг 2022 йил 5 январдаги 02-к-сонли буйруғи билан Наргиза Шокирова билан тузилган меҳнат шартномаси

## Касабалар уюшмаси аралашгач...

Меҳнат кодексининг 105-моддасига биноан шартнома мuddати тугаши муносабати билан бекор қилинган. Иш берувчининг мазкур буйруғи қабул қилинишида амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари бузилгани сабабли Н.Шокировани ишга тиклаш бўйича судга мурожаат қилинган. Суднинг ҳал қилув қарори билан Н.Шокирова ўз лавозимига ишга тикланиб, мажбурий прогул кунлари учун 30 миллион сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш касабалар уюшмаларининг биринчи галдаги вазифасидир. Бу вазифа эса тўлиқ удаланмоқда. **Авазхон Тўраҳўжаев,** Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши Бош юристконсулти **Мансуржон УСМОНОВ,** Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши меҳнат-ҳуқуқ инспектори



Фарғона вилояти

Ўзги соғломлаштириш

# Аҳил оила муҳити яратилган

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедовнинг таъкидлашича, жорий мавсумда 5 минг нафар 1-7 синф ўқувчилари 9 та оромгоҳда ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Бугунгача уларнинг 4 минг нафари мириқиб дам олишди. Шунингдек, вилоятдаги 128 та умумтаълим мактаби ҳузурда ташкил этилган соғломлаштириш майдончаларида 12 минг нафардан ортиқ болажон яйраб ҳордиқ чиқаришди.

– Оромгоҳимизда ёз мавсуми ниятсиз қадар 800 нафар ортиқ ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради, – дейди Термиз шаҳридаги «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Шермуҳаммад Омонов. – Айни пайтда бу ерда 200 нафар ўқувчи таътилни мазмунли ўтказишмоқда. Ҳар бир тадбир ва машғулотлар режа асосида ташкил этилган. Масалан, ўқувчилар куннинг биринчи ярмида тўғарақ машғулотида қатнашиб, ҳунар сирларидан бохабар бўлишса, куннинг иккинчи ярмида уларни спорт ва бошқа кўнгилочар тадбирларга жалб қиламиз.

Тўқиш ва бичиш сирларини ўрганаётган, рақс тушиш маҳоратини эгаллаётган қизалоқлар, шунингдек, турли спорт машғулоти, компьютер саводхонлиги, инглиз тили фани тўғарақларидаги ёшларни кўриб, беихтиёр кўнгил равшан топади.

– Мақсадимиз болаларнинг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ташкил этишдан иборат, – дейди оромгоҳнинг бош етакчиси Жаҳонгир Худойбердиев. – Шу боис бу ерда аҳил оила муҳитини яратишга ҳаракат қилаямиз. Оромгоҳ 4 босқичда фаолият

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«ISHONCH»



# «Ёшлик»да ёрқин кунлар

Фурқат тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги «Ёшлик» болалар оромгоҳида 3-навбатда қарийб 100 нафар ўғил-қиз мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Уларнинг ҳар бир кунни мазмунли ўтказиши учун кўплаб маданий, маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, турли танловлар ўтказилди.

– Мен бу ерда рақс, ёш рассомлар, инглиз тили тўғарақларида қатнашман, – дейди Хонзодабегим Ғаниева. – Бундан ташқари, кутубхонада мутолаа билан машғул бўламан. – Очиги, бу ерга ўрганиб қолдим, – дейди Муҳаммаджон Ҳазратқулов. – Кўплаб дўстлар орттирдим. Улар билан бирга ҳар куни футбол, шахмат, шашка ўйнаб, кунимизни мароқли ўтказаямиз.

\*\*\*

# «Коинот»даги орзулар



Қўқон шаҳридаги «Коинот» болалар оромгоҳида 3-мавсумда 200 нафарга яқин ўғил-қиз мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилоят кенгаши тасарруфидаги мазкур масканда барча шароитлар яратилган. Бу ерда ўғил-қизларнинг билим ва маҳоратларини ошириш учун турли тўғарақлар ташкил этилган.

– Чўмпилиш жону дилим, – дейди Бегмурод Акрамов. – Бундан ташқари, расм тўғарағига қатнашман. Яқинда «Истеъодларни излаймиз» расм чизиш танловида голиб бўлдим. – Дугоналарим билан инглиз тили ва рақс тўғарағига қатнашман, – дейди Орзухон Давронова. – Тўғарақлардан сўнг кутубхонада ўзимизга ёққан асарларни ўқиб, бир-биримиз билан ўртоқлашамиз.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,  
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси бирлашган касба уюшма кўмитаси ходимларга яхши кунларида ҳам, ташвишли дамларида ҳам елкадош бўлмоқда.

# БИЗ БИР ЁНДАН...

Бунга мисоллар кўп. Яқинда Қашқадарё тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси катта инспектори Равадан Эрдонев фарзандининг суннат тўйини ўтказди. Кўмита аъзолари Эрдоневнинг ёнида турди. Ҳузур тумани ички ишлар бўлими ташкилий бўлинма мурожаатлар билан ишлаш катта инспектори Боймурод Ҳамроев суяқ емирилиши дардидан азият чекарди. Даволаниш пайтида унга ҳам бирлашган кўмита тегишли кўмак кўрсатди.

факрийси Тамара Зинченко. – Ҳар бир байрам арафасида йўқлаб келишди. Уйлаб қарасам, яхшиларнинг эътибори, ғамхўрлиги ҳам узоқ умр кўришимнинг асосий сабабларидан бири экан.

Йил бошидан буён ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломамлигини мустақамлаш мақсадида бирлашган кўмита 37 та санаторий йўлланмаси ажратди. 48 нафар аъзонинг Хива шаҳрига саёҳати уюштирилди. Йил охиригача яна Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига бориш режалаштирилган.

Шаҳрисабз туман Шўржи қишлоғида жойлашган «Гулистон» болалар оромгоҳи айнан вилоят ички ишлар бошқармаси тасарруфида. Ўтган йили капитал таъмирланган дам олиш масканида айни пайтда 120 нафар ўғил-қиз мароқли ҳордиқ чиқармоқда. Табиийки, бирлашган кўмита ҳам ёзги соғломлаштириш мавсумида ўзининг

– Ички ишлар соҳасида меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини суряпман, – дейди меҳнат

Аъзолик афзалликлари

муносиб ҳиссасини кўшмоқда. Жумладан, оромгоҳ кутубхонасига янги китоблар олиб берилди. Ўтказилган спорт мусобақалари ҳамда турли интеллектуал ўйинларда фаол қатнашган болалар кўмитанинг эсдалик совғалари билан тақдирлаб берилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, бошқармада ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари кенг ўтказилди. Тез-тез ташкил этиладиган «Ёш китобхон», «Заковат» танловлари эса ходимларни вилоят ИИБ кутубхонасига фаол аъзо бўлишга ундайди.

Таъкидлаш жоизки, бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Қиём Омоновнинг ташкилотчилиги, барча туманлардаги ички ишлар бўлимлари билан ишчан ҳамкорлик, мустақам алоқаларни йўлга қўйгани аъзоларнинг касба уюшма ташкилотига бўлган ишончини оширмоқда. Бирлашган кўмита тузилганга ҳали ҳеч қанча фурсат ўтмаган бўлса-да, 3562 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари касба уюшма афзаллигини теран ҳис қилиб улгуришди...

Акмал АБДИЕВ,  
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

# БАРЧАСИ ИСТИҚБОЛ УЧУН

Бугунги кунда Жиззах давлат педагогика институтимизда салкам 20 минг нафар талаба таҳсил олади. Аммо мавжуд ўқув биноларининг умумий қуввати 8128 ўринни ташкил этади, холос. Кўриниб турибдики, таълим даргоҳида қўшимча бинолар қурилишига эҳтиёж бор эди.

Айни шу сабаблар инобатга олиниб, қўшимча 2500 ўринли ўқув биноси қуриш учун Жиззах шаҳридан 3 гектар ер майдони ажратилди. Лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, қурилиш ташкилоти тендер асосида аниқланди. Лойиҳага кўра, ўқув биноси 2 блокдан иборат бўлади. Етти қаватдан иборат А блокда 84 та ўқув хонаси, 16 та компьютер хонаси, 1 та 100 ўринли конференция зали, 16 та ўқитувчилар хонаси, 14 та санузел, 14 та буфет жойлашиши режалаштирилган. Икки қаватли Б блокдан эса 6 та 120 ўринли, жами 720 ўринли маърузалар зали жой олади. Шунингдек, ҳудудда ландшафт дизайни асосида 4 та очик айвон, 2 та фаввора, 2 та автотураргоҳ қурилиши, 0,5 гектар ерда боғ яратилиши ҳам эътиборга олинган.



Фурқат ТЎРАЕВ,  
Жиззах давлат педагогика институтининг молия-иқтисоди ишлари бўйича проректори

худуддаги йўлақларга асфальт ётқизилди. Бўстон шаҳарчасидаги Сиртқи бўлим биноси, «Сўлоқли» маҳалласи ҳудудидаги Тарих факультети биноси, Жисмоний маданият факультети ўқув биноларида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди, иситиш тизими тўлиқ янгиланди. Шунингдек, ичимлик сув учун янги иншоот ўрнатилди, стадионга табиий чим ётқизилди. Бош бино ҳудудида талабаларга шароитни яхшилаш мақсадида теннис ҳамда workout майдони ташкил этилди. Институтда Медиа марказ, Steamпарк ҳамда Инкубация маркази ташкил этилиб, замонавий ахборот технологиялари билан таъминланди.

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ва қулайликлар ҳамда режалаштирилган ишлар таълим сифати янада ошишига хизмат қилади, албатта. Замонавий шароитларда таълим олган ёшлар меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар бўлиб етишади.

Самарқанд вилояти

# НОМАНГИЗДА НИМА БИТИЛГАН?

ёхуд мурожаатлар билан ишлашда ишчи-ҳодимлар манфаати доим ҳам устуворми?

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилоят кенгашига шу йилнинг ўтган олти ойида келиб тушган 245 та мурожаатнинг катта қисми Самарқанд шаҳри, Пастдарғом, Пахтачи ва Иштихон туманларидандир.



– Аризаларни тегишлилик даражасида тармоқ касба уюшмалари ўрганмоқда, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилоят кенгаши «Мурожаатлар билан ишлаш» бўлими мутахассиси Санобар Жафарова. – Касба уюшмаларига тааллуқли масалалар тезда ечим топапти. Аммо 70га яқин номада шундай дардлар битилганки, уларга ойлаб вақт сарфланса ҳам ҳал этиш қийин. – Маблағ билан боғлиқ мурожаатларнинг барчаси ишсиз фуқаролар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тааллуқли, – дейди вилоят кенгаши раиси Сўхроб Рафиқов. – Муҳими, касба уюшмаларига мурожаат билан келган бирор кишининг раъйини қайтараётганимиз йўқ. Масалаларни ижтимоий шериклик тамойили асосида ҳал этишга уриняпти.

нова катта умид билан касба уюшмаларига келди. У қизининг никоҳ тўйини ўтказишга қийнаётганини билдирди. «Дарғом» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи бу оиланинг шароитлари ўрганилди. Касба уюшмалари томонидан ёшлар бахтига раҳна

солаётган моддий қийинчилик бартараф этилди. Самарқанд шаҳри бўйича тасдиқланган «Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар» дастурига мувофиқ кўмак кўрсатилди. – Касба уюшмалари ҳеч қимдан кўмагини аямайди, – дейди вилоят кенгаши «Мурожаатлар билан ишлаш» бўлими бош мутахассиси Зоҳид Янгибоев. – Аммо кейинги пайтларда «штатли» мурожаатчилар ҳам пайдо бўляпти. Улар касба уюшмаларидан маблағ ундиришининг турли услубларидан фойдаланишга интилоқда. Жумладан, бир она ва унинг меҳнатга лаёқатли қизи ана шу йўналишда устаси фаранг. Гоҳ она, гоҳ қиз номидан аризалар ёғилади. Баъзан пул, баъзан даволатиш, дори-дармон, озиқ-овқат, хуллас, барча имконият ишга солинмоқда. Нима ҳам дердик, инсофни ўзларига берсин.

Ҳар қандай ҳолда ҳам касба уюшмалари ўз фаолият тамойили – ишчи-ҳодимларнинг манфаатларини таъминлашдек устувор вазифага содиқ бўлиб қолаверадди.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«ISHONCH»

Фурқат ТЎРАЕВ,  
Жиззах давлат педагогика институтининг молия-иқтисоди ишлари бўйича проректори



